

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 35 ЙИЛЛИГИНИ КЕНГ НИШОНЛАШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Миллий суверенитет ва давлат мустақиллиги ҳар қайси мамлакатнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий тараққиётининг энг асосий шарт ва гаровидир. Бу ҳал қилувчи омиллар давлатнинг халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаши, халқнинг тинч ва фаровон ҳаётини таъминлаш, унинг барча манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Бизнинг миллий мустақиллигимиз мард ва матонатли халқимизнинг қатъий иродаси, истиқлол йўлида курашган фидойи аждодларимиз орзу-умидларининг рўёби бўлиб, Янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган эзгу ишларимизнинг мустақам асоси, келажақ авлодларимиз учун безавол етказишимиз шарт бўлган буюк ва муқаддас қадриятдир.

Мамлакатимизнинг миллий суверенитети ва давлат мустақиллиги гоёларининг сиёсий-ҳуқуқий қафолатларини ўзида мужассам этган янги таҳрирдаги Конституциямиз ҳамда “Ўзбекистон – 2030” стратегияси асосидаги тараққиёт йўлимиз инсон кадр-қимматини юксалтириш, кўп миллатли жамиятимизда дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини мус-

тақкамлаш, миллий урф-одат ва анъаналарни асраб-авайлаш, юртимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, унинг муҳофаа қобилиятини кучайтириш, минтақада яхши кўшничиликни ривожлантириш ҳамда Ватанимизнинг халқаро обрў-эътиборини оширишда мустақам таянч бўлиб келмоқда.

Миллий истиқлолимизнинг давлатчилигимиз тарихи, ҳозирги ва келажақ ҳаётимиз учун беқиёс аҳамиятини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллигини Янги Ўзбекистоннинг бугунги улкан салоҳияти ва жаҳон майдонидаги нуфузига мувофиқ юксак даражада, муносиб нишонлаш мақсадида қарор қиламан:

1. Қуйидагилар:

а) “**Ғона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажақ яратамиз!**” деган бош ғояни ўзида мужассам этган ғоявий-бадий концепция ва дастур 1- ва 2-иловаларга мувофиқ;

б) Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича республика комиссияси таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Республика комиссияси (А. Арипов):

а) мустақилликнинг 35 йиллигини Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, вилоят ва туман (шаҳар) марказларида, барча маҳаллалар, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, вазирлик ва идоралар тизимида муносиб нишонлаш мақсадида концепциянинг мазмуни ва асосий йўналишларига мувофиқ чора-тадбирлар дастурларини ишлаб чиқиш ва ижро этишни таъминлаш.

Бунда қуйидаги устувор йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш:

(i) Янги Ўзбекистондаги амалга оширилаётган ислохотлар натижа-сида юзага келган улкан имконият ва ютуқларни кенг ёритиш;

(ii) мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор суръатларда жадал ривожланиб бораётганлиги натижа-сида фуқароларимизнинг турмуш фаровонлиги ортиб бораётганлигини кўрсатиб бериш;

(iii) юртимизнинг тинчлиги ва чегаралар дахлсизлигини таъминлашга хизмат қилувчи муҳофаа салоҳия-тини мустақамлаш борасидаги ислохотларни ёритиш;

(iv) истиқлол туфайли миллий кадриятлар, давлатчилик, фуқаро-лик жамияти институтлари, жумладан, маҳалла тизимини ривожлантириш бўйича эришилган ютуқ ва

натижалар аҳамиятини таъкидлаш; (v) нуронийлар, хотин-қизлар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам манфаатларини таъминлашга, ёшларнинг “**Янги Ўзбекистоннинг бунёдкорлари**” сифатида билим ва касб эгаллашлари, тадбиркорлик ташаббуслари ва истеъодларини рўёбга чиқаришга зарур шароитлар яратилганлигига ургу қаратиш;

(vi) миллатлараро дўстлик ва динлараро бағрикенглик муҳитини сақлаш ва кучайтиришни барча фуқароларнинг муқаддас бурчи сифатида тарғиб қилиш;

(vii) байрам тадбирларига барча ёшлар, ижтимоий ва этник гуруҳлар ҳамда ватандошларнинг фаол жалб этилишини таъминлаш;

б) илм-фан, таълим, маданият, адабиёт ва санъат намоёндалари, спортчилар, жамоатчилик вакилларидан иборат бадий-ижодий гуруҳлар тузиш ҳамда улар ишти-рокида апрель-сентябрь ойлари давомида республика бўйлаб кенг қўламдаги маънавий-маърифий тадбирлар ва ижтимоий лойиҳаларни ўз ичига олган “Мустақиллик тўйи” (фестивали) тадбирларини ўт-казиш;

(Давоми 2-бетда) ▶

## Шарҳ

### Аёл шаъни, бола ҳуқуқлари ҳар нарсдан қиммат бу долзарб масала — қонун устуворлигининг муҳим мезони



Бугунги кунда мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралмоқда. Бунда аёллар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни ҳар қандай тазйиқ ва зўравон-ликдан асраш алоҳида муҳим аҳамият касб этади.

(Давоми 2-бетда) ▶

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти тараққи-ёт ва фаровонлик негизи ҳисобланади. Ушбу соҳа ривожини учун зарур ҳуқуқий асослар яратилгани бунда муҳим омил бўлмоқда.

## Тадбиркор – қонун ҳимоясида

### Тадбиркор йўлига қўйилган тўсиқ



қонун  
асосида  
бартараф  
қилинди

Афсуски, шундай масъу-лиятли бир пайтда Гурлан тумани солиқ инспекцияси инспектори Равшан Раҳмонов (исм-шарифлар ўзгартирилган) бу тизимнинг ривож-ию эмин-эркин фаолиятига кўмак бериш ўрнига тадбир-корлик йўлига тўсиқ қўйиш пайида бўлди. Шу ниятда Хоразм вилояти солиқ бош-

(Давоми 2-бетда) ▶

## БУХОРО ВИЛОЯТИДА ИСЛОХОТЛАР НАТИЖАДОРЛИГИ ҲАМДА КЕЛГУСИДАГИ УСТУВОР ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 2 апрель кун Бухоро вилоятида амалга оширилаётган ислохотлар натижадорлиги, ҳудуднинг иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва келгусидаги устувор вазифалар юзасидаги йиғилиш ўтказди.

Бухоро вилояти sanoat, қишлоқ хўжалиги, хизматлар ва туризм соҳаларида ҳеч бир ҳудуддан кам бўлмаган улкан имкониятларга эга. Вилоятда 2 та йирик нефть-газ кимё корхонаси фаолият юритмоқда, яна биттаси барпо этилмоқда. Шунинг-дек, қиймати 5,2 миллиард дол-лар бўлган, умумий қуввати 4,5 гигаваттга тенг 10 та йирик қуёш ва шамол электр станцияси қурилиши жадал кетмоқда.

2025 йилда ҳудудий ялпи маҳ-сулот ҳажми 7,2 фоизга ошиб, 86,6 триллион сўмга етди, sanoatда 7,1 фоиз, қишлоқ хўжалигида 4,3 фоиз, хизматлар соҳасида 14 фоиз ўсиш қайд этилган. Ишсизлик 2024 йилга нисбатан 4,7 фоизгача, камбағаллик даражаси 6,0 фоизгача пасайган.

Йиғилишда Бухоро вилоятини 2026 йилда ижтимоий-иқтисодий

ривожлантиришнинг асосий мақ-садли кўрсаткичлари кўриб чиқил-ди. Хусусан, ялпи ҳудудий маҳсу-лот ҳажмини 102,1 триллион сўмга етказиб, 9,1 фоиз ўсишга эришиш, sanoat ҳажмини 9,1 фоизга, қишлоқ хўжалигини 5,9 фоизга, хизматлар ҳажмини эса 20,1 фоизга ўстириш вазифалари белгиланди. Ишсиз-лик ва камбағаллик даражасини 2 фоизгача қисқартириш, 381,5 минг нафар аҳолини даромадли қилиш назарда тутилган.

Шу мақсадда Бухоро ва Когон шаҳарлари, шунингдек, Олот, Пеш-ку, Қорақўл, Шофиркон, Ѓиждувон, Қоровулбозор туманларини иш-сизлик ва камбағалликдан холи ҳуд-удларга айлантириш бўйича ман-зилли чоралар амалга оширилиши қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари Бухоро уч минг йиллик тарихга эга қўҳна за-мин экани, бундай бой маданий мерос ва тарихий обидалар жам-ланган шаҳарлар дунёда кам учра-шини таъкидлади. Бу салоҳиятни иқтисодий ўсиш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадини оши-риш ва инфратузилмани яхшилаш-

га хизмат қилдириш зарурлиги қайд этилди.

Инвестиция ва экспорт йўнали-шида 2026 йилда 3,3 миллиард дол-ларлик хорижий инвестицияларни ўзлаштириш, 1,5 миллиард доллар-лик экспортни таъминлаш, умумий қиймати 9,2 миллиард долларлик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш вазифаси қўйилди.

Sanoatни ривожлантириш маса-лаларига алоҳида эътибор қарати-лди. Қайд этилганидек, sanoat тармоқлари кесимида 61 та йирик лойиҳа шакллантирилган бўлиб, уларнинг умумий қиймати 2,2 мил-лиард долларни ташкил қилади. Натижада 18 мингта янги иш ўрни яратиш, аҳоли жон бошига sanoat ҳажмини 25,6 миллион сўмдан 29,6 миллион сўмга етказиш мўлжаллан-ган.

Хусусан, Когон туманида йилига 80 мингта электр ва гибрид авто-мобиль ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш режалаштирилган. Лойиҳанинг қий-мати 350 миллион долларни таш-кил этиб, 500 та иш ўрни яратилади. Шунингдек, Бухоро туманида пиролизни қайта ишлаш орқали

бензол, толуол, ксилол, пентан, гексан, битум ва кальций хлорид ишлаб чиқариш бўйича 220 мил-лион долларлик лойиҳани амалга ошириш, Қоровулбозор туманида 85 миллион долларлик лойиҳа асо-сида АИ-91 ва АИ-92 бензин ишлаб чиқаришни кенгайтириш, Когон ту-манида қоғоз ва картон маҳсулот-лари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш кўзда тутилган.

Қоровулбозор туманида йилига 100 минг тонна минерал ўғит ишлаб чиқариш, Когон туманида гипсокар-тон ишлаб чиқаришни кенгайтириш режалари ҳам муҳокама қилинди.

Шу билан бирга, 61 та мавжуд са-ноат зонасидаги бўш ер майдонлари-да жойлаштирилган янги ишлаб чиқаришлар учун устувор йўналиш-лар белгилаб олинди. Жумладан, Бухоро шаҳри ва Бухоро туманида озиқ-овқат ва мебелчилик, Вобкен-да чарм ва енгил sanoat, Когон ва Қоровулбозорда нефть-кимё, Шо-фиркон ва Пешкуда фармацевтика ҳамда озиқ-овқат, Ѓиждувонда қури-лиш материаллари йўналишларига устуворлик берилди.

(Давоми 3-бетда) ▶

Маълумки, ҳар қандай ҳуқуқий давлатда фуқаролар ўртасида келиб чиқадиган низолар суд тартибидан ҳал қилинади. Яъни тарафлардан бири судга ариза билан мурожаат қилади. Натижада суд томонидан ишни кўриш кун, вақти ва ҳужий белгиланиб, бу ҳусуда ажрим чиқарилади.

Буни айтишдан мақсад шуки, даъвогар ва жавобгар ёки уларнинг қонуний вакил-лари суд мажлисига келмас-

## Таассуф

### Судга нисбатан ҳурматсизлик

маъмурий жавобгарликка  
сабаб бўлди

лиги ҳам судга, ҳам қонунга нисбатан ҳурматсизлик сифа-тида баҳоланади.

Афсуски, ҳаётда бундай ҳолатлар учраб туради. Яқин-да фуқаролик ишлари бўйи-

ча Чуст туманлараро судида судга ҳурматсизлик билан муносабатда бўлган даъво-гарларнинг хатти-ҳаракатига ҳуқуқий баҳо берилди.

(Давоми 2-бетда) ▶



## Қизимга мактублар

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Икки кунча бурун худди шу жойда, шу қора темир кароват ёнига мени чақириб, — Албатта, дада, — де-васият қилган эдилар. Йўқ, видолашмадилар, ўляпман, сен энди оиланинг каттаси-сан, демадилар. Хотиржам-лик билан ёнларига ўтказиб, қўлимни қўлларига олдилар: — Ўғлим, бир-иккита

одамга берадиганим бор. Имкониятингиз пайдо бўл-ганда бериб қўйсангиз. Хўп-ми? — Гаплари васият эканини, ўлимга тайёргарлик кўраёт-ганларини дарҳол фаҳмла-ган эдим.

(Давоми 4-бетда) ▶



Ўлмас УМАРБЕКОВ,  
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ҚАРОРИЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ  
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ  
35 ЙИЛЛИГИНИ КЕНГ  
НИШОНЛАШГА ТАЙЁРГАРЛИК  
КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ  
ТЎҒРИСИДА

## ◀ (Бошланиши 1-бетда)

в) Тошкент шаҳрида ўтказилган асосий байрам тадбирига тайёргарлик кўришда таниқли сценарист ва режиссёрлар, шоир ва ёзувчилар, хонанда ва бастакорлар, балетмейстерлар, сахна рассомлари, истеъдодли ёш ижрочиларни жалб этиш;

г) мустақилликнинг 35 йиллиги арафасида мамлакатимизнинг ийрик sanoat, madaniyat, taʼlim va sport muassasalari ning tantanali ochilish marosimlarini yuqori savidda tashkil etish choralari ni kўrsin.

3. Belgilansiniki, Madaniyat vazirligi Toshkent shahrida bўlib ўtadigan asosiy bayram tadbiriga tayyorgarlik kўriش va uni ўtkazish bўyicha masъul tashkilot hisoblanadi.

4. Badiiy akademiya, Madaniyat vazirligi, Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази 2026 йил 1 июнга қадар миллий мустақиллик ва суверенитет гоъларини, Янги Ўзбекистон бунёдкорлари қиёфасини ўзида акс эттирган **“Ватан фидойилари”** рамзий монументининг эскиз лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маъкамасига киритсин.

Ушбу монумент Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туман ва шаҳарларда 2026-2030 йилларда барпо этилаётган умуммиллий бирдамлик боғларининг марказий қисмида ўрнатилиши ҳисобга олинсин.

5. Республика Маънавият ва маърифат маркази Янги Ўзбекистон тараққиёти тадқиқотлари институти, “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати, “Тараққиёт стратегияси” маркази билан биргаликда 2026 йил 1 августга қадар ҳар бир соҳада амалга оширилаётган ислохотлар, уларнинг натижалари ва эришилган ютуқларга бағишланган **“Мустақиллик зафарномаси”** махсус китоб-альбомини тайёрласин.

6. Ёшлар ишлари агентлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази 2026 йил апрель ойидан ижтимоий тармоқларда #Mustaqillik35, #Uzb35 хештеглари остида тарғибот акцияларини (флешмоблар, подкастлар, викторина ва бошқалар) бошласин.

7. Кинематография агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокomпанияси, Ўзбекистон миллий медиа бирлашмаси 2026 йил апрель ойидан бошлаб **“35 йиллик Истиқлол йилномаси”** руқнида мустақиллигимизнинг тарихий босқичлари, эришилган ютуқлар ва бунёдкорлик ишларини ёритувчи туркум ҳужжатли фильмлар, курсатувлар тайёрлаш ва телеканалларда намойиш этилишини таъминласин.

8. Олий Мажлис Қонун

чилик палатаси ва Сенати, Адлия вазирлиги ҳамда Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институтининг 2026 йил август ойида Тошкент шаҳрида **“Мустақил Ўзбекистон – 35 йиллик тараққиёт йўли: ислохотлар, натижалар ва истиқболлар”** мавзусида халқаро илмий-амалий конференцияни ўтказиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

9. Миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар масалалари бўйича қўмита “Ватандошлар” жамоат фонди, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ташқи ишлар вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси билан биргаликда 2026 йил август-сентябрь ойларида хориждаги ватандошлар ва ўзбек диаспораси вакиллари иштирокида **“Мустақил Ўзбекистон – ғурурим, ифтихорим”** шiori остида маданий-маърифий тадбирлар ташкил этсин.

10. Марказий банк 2026 йил 1 сентябрга қадар **“Мустақилликнинг 35 йиллиги”** эсдалик олтин тангасини зарб этиш чораларини кўрсин.

11. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Транспорт вазирлиги 2026 йил 1 майга қадар тегишлича янги ташкил этилган маҳаллалардан ҳамда темир йўл станцияларидан бирига **“Мустақилликнинг 35 йиллиги”** номини бериш бўйича таклифларни киритсин.

12. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

а) Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда – тегишли маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳамда ҳомиёлик маблағлари ҳисобидан;

б) Тошкент шаҳрида – Республика комиссияси томонидан тасдиқланган харажатлар сметасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда молиялаштирилади.

13. Ўзбекистон Миллий телерадиокomпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, “Дунё” ахборот агентлигига юртимиз мустақиллиги, Янги Ўзбекистоннинг ривожланиш йўли ва халқимизнинг бирдамлиги ҳақида туркум материаллар тайёрлаш ва тарқатиш тавсия этилсин.

14. Республика комиссияси мазкур қарор ижросини назорат қилиш, ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб бориш, зарур ҳолларда, қўшимча чора-тадбирлар кўришни таъминласин.

15. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини таъминласин.

## ◀ (Бошланиши 1-бетда)

Ўз навбатида, Президентимизнинг 2026 йил 3 мартда қабул қилинган “Аёллар ва болалар ҳуқуқларининг ҳимоясини кучайтириш ҳамда уларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш бўйича қўшимча ташкилий-ҳуқуқий чоралар тўғрисида”ги Фармони бу борадаги саъй-ҳаракатлар янги босқичга кирганидан далолат беради.

Мазкур Фармон нафақат ҳуқуқий нормаларни такомиллаштириш, балки инсонни эъзозлаш, оила институтини мустаҳкамлаш ҳамда аёллар ва болаларга нисбатан зўравонликка мутлақо муросасиз муносабатни шакллантиришга қаратилгани билан янада аҳамиятлидир. Глобаллашув ва ахборот макони кенгайиб бораётган бугунги шароитда турли ижтимоий муаммоларнинг юзага келаётгани ушбу ҳужжатда белгиланган вазифаларнинг нақадар долзарб эканини аңглатади.

Фармонда баалоғат ёшига етмаган шахслар билан никоҳ муносабатларига қирчиш ҳолатларининг олдини олиш, бу борада ота-оналар масъулиятини ошириш, ёшларни оила қуришга онгли ва масъулиятли ёндашишга даъват этиш ва унинг амалдаги рўбенин таъминлаш алоҳида белгилаб қўйилган. Бинобарин, эрта никоҳ ёшларнинг таълим олиши, касб эгаллаши ва мустақил ҳаёт қуришига салбий таъсир кўрсатувчи омиллардан биридир.

Аёлларга нисбатан зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар таҳлили ҳам ушбу масаланинг долзарблигини яққол кўрсатади. Мисол учун Хоразм вилоятида 2025 йилда жиноят ишлари бўйича судлар томонидан 2 минг 701 нафар шахсга нисбатан 1 минг 954 та маъмурий иш кўриб чиқилган. Бу жараёнда 1 минг 535 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилган. Жабрлангани эътироф этилган 2 минг 373 нафар хотин-қизларнинг ҳуқуқлари тикланган.

Жорий йил январь-февраль ойларида эса, 403 нафар шахсга нисбатан 268 та маъмурий иш кўриб чиқилиб, 231 нафар шахс жавобгарликка тортилган. Натижанда 313 нафар хотин-қизларнинг ҳуқуқлари суд орқали ҳимоя қилинишига эришилган.

Таҳлилларга кўра, ўтган йили 92 нафар шахс ана шундай қилмишлар учун суд олдида жавоб берди. Уларга нисбатан 79 та жиноят иши кўрилиб, бу жараёнда 84 нафар шахсга нисбатан айблов

## ◀ (Бошланиши 1-бетда)

Гап шундаки, Чуст туманида яшовчи Алишер Исмоилов (исм-шарифлар ўзгартirilgan) судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, Давлат кадастрлар палатасининг Чуст тумани филиалига нисбатан ўзига тегишли бўлган – Чуст тумани “Зарафшон” маҳалла фуқаролар йиғинидаги 2 та уйда жойлашган нотурар объектларга нисбатан қурилиш-монтаж ишлари тугалланган объектдан фойдаланиш рухсатномаси ҳамда кадастр ҳужжатларини расмийлаштириб бериш мажбуриятини юклашни сўраган. Албатта, суд ажрини билан ушбу даъво аризаси юзасидан фуқаролик иши қўзғатилди.

Дастлабки суд мажлиси 2025 йил 5 август кунига тайинланган. Бироқ жа-

## Шарҳ

Аёл шаъни, бола ҳуқуқлари  
ҳар нарсадан қиммат

бу долзарб масала — қонун устуворлигининг муҳим мезони



ҳукмлари чиқарилди. Жорий йилнинг январь-февраль ойларида эса, 12 нафар шахсга нисбатан 12 та жиноят иши кўрилиб, 10 нафар шахс устидан айблов ҳукми чиқарилди ва жазонинг муқаррарлиги таъминланди.

Мазкур ишлар бўйича судлар томонидан профилактика аҳамиятга эга таъсир чоралари ҳам қўлланилмоқда. Ўтган йили ва жорий йилнинг сўнгги икки ойи мобайнида жами 58 та хусусий ажрим чиқарилиб, муҳокама қилиш ва тегишли чора-тадбирлар белгилаш учун корхона, ташкилот ва муассасаларга юборилди.

Суд амалиётида оилавий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни кўриш жараёнида тарафлар ўртасидаги келишмовчиликлар келгусида жиноят ёки ҳуқуқбузарликларга етаклаши аҳтимоли мавжуд ҳолатлар алоҳида эътиборга олинishi даркор. Шу муносабат билан бундай хавф аниқланган ҳолларда судлар томонидан ҳуқуқий муҳофаза қилувчи органларга тегишли хабарномалар юбориш амалиётини йўлга қўйишнинг аҳамияти ниҳоятда катта.

Масаланинг бу жиҳати судларнинг доимий эътиборида турибди. Ўтган йили оилавий низолар бўйича кўриб чиқилган суд ишлари якунида ваколатли органларга 347 та хабарнома юборилгани фикримиз далилидир. Бу, албатта, мазкур йўналишдаги профилактика ишларнинг аҳамияти ортиб бораётганидан далолат беради.

Президент Фармонида қонун устуворлигини таъминлаш ва жазо муқаррарлигини кучайтиришга қара-

тилган нормаларни жорий этиш масаласи кун тартибига қўйилгани бу борадаги қонунбузарликларни профилактика жиҳатдан жиловлашнинг яна бир муҳим омили бўлди. Бош прокуратура, Олий суд, Адлия ҳамда Ички ишлар вазирликлари, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг қонунчиликка ўзгартiriш киритиш орқали қатор янги тартибларни жорий этиш ҳақидаги таклифлари маъқуллангани туфайли бу борада амалий ишлар олиб борилмоқда.

Ушбу таклифларга биноан, Жиноят кодексининг жинсий эркинликка дахлдор 118, 119, 121, 128, 128\*, 129-моддалари бўйича терговга қадар текширув ва дастлабки тергов ҳаракатлари прокуратура органлари зиммасига юклатилгани аёллар ҳуқуқини таъминлашнинг янада ишончли ва таъсирчан кафолатидир. Бу чора ушбу тоифадаги жиноятларни тергов қилишда ягона ёндашувни таъминлайди, натижада процессуал кафолатларни кучайтириш ва адолатли қарорлар қабул қилинишига асос бўлади.

Шунингдек, вояга етмаган шахсларга нисбатан содир этилган шахвоний шилқимлик ҳолатлари бўйича маъмурий ишлар фақат прокурор томонидан жиноят аломатлари мавжуд эмаслиги тўғрисида қарор қабул қилингандан кейингина судга юборилиши тартиби жорий этилмоқда. Бу эса, ҳар бир ҳолатни пухта ҳуқуқий баҳолаш ва асоссиз равишда енгил тарзда малакашнинг олдини олиш га-рувчидир.

Фармонда, шунингдек, жазо ижроси тизимини такомиллаштиришга қаратилган муҳим таклифлар ҳам илгари сурилди. Хусусан, вояга етмаганларга нисбатан оғир жиноятларни содир этган шахсларни манзил-колонияларга ўтказилмайдиган маҳкумлар тоифасига киритиш, уларга нисбатан жазонини енгиллаштиришдан олдин мажбурий равишда психологик тузатиш дастурларидан ўтиш талабини жорий этиш кўзда тутилди.

Масаланинг яна бир муҳим жиҳати шуки, вояга етмаганларга нисбатан жинсий жиноятлар учун муқаддам судланган шахслар яна шун-

дай қилмишларга қўл урган тақдирда, уларга нисбатан умрбод ёки узоқ муддатларга озодликдан маҳрум қилиш жазосини белгилаш таклифи яна бир муҳим омили бўлди. Бу чора жиноятчиликка қарши курашда қатъийликни таъминлаш ва жамият хавфсизлигини мустаҳкамлашнинг муҳим кафолатидир.

Шу билан бирга, қонунчиликда айрим ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни кучайтириш, жумладан, вояга етмаган шахсларга нисбатан уятсиз-бузуқ ҳаракатларни гуруҳ бўлиб содир этганлик учун оғирроқ жазо белгилаш, шунингдек, амалиётдан келиб чиққан ҳолда, ҳуқуқий нормаларни аниқлаштириш масалалари ҳам назарда тутилган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш доирасида шахвоний шилқимлик, эрта никоҳ ва никоҳ тузиш тартибини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жазо санкцияларини кучайтириш, шунингдек, жиноят ишини қўзғатиш рад этилган ҳолларда маъмурий жавобгарликка тортиш тартибини такомиллаштириш чоралари белгилашмоқда. Бундан ташқари аёллар ва болаларга нисбатан тазйиқ ҳамда зўравонлик ҳолатларини самарали тергов қилиш ва судда кўришни таъминлаш мақсадида комплекс институционал чора-тадбирлар ва уни амалга ошириш йўл-йўриқлари ҳам назарда тутилмоқда.

Шу мақсадда жорий йил якунига қадар ҳар бир ҳудудда, иш ҳажмидан келиб чиққан ҳолда, камида бир нафар терговчи ва судьяни халқаро стандартларга асосланган дастурлар бўйича махсус тайёргарликдан ўтказиш, шунингдек, мазкур тоифадаги ишлар билан бевосита шуғулланишини таъминлаш вазифаси белгилангани аниқ мудоао бўлди.

Бунда, қоида тариқасида, аёл терговчи ва судьяларга устуворлик беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундай чора жабрланувчилар билан ишлашда ишонч муҳитини шакллантириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўлиқ ҳимоя қилиш имконини беради.

Бу янги чора-тадбирлар тергов ва суд жараёнларида инсон ҳуқуқларига риоя этилишини янада мустаҳкамлаш, зўравонлик қурбонларига нисбатан профессионал ёндашувни шакллантириш, ишларнинг сифатли ва адолатли кўриб чиқилишини таъминлашга қаратилган.

Шу билан бир қаторда, жорий йил 1 сентябрдан бошлаб, Ҳуқуқий муҳофаза қилуш академияси, Ички ишлар вазирлиги академияси ҳамда Одил судлов академиясида халқаро ва миллий экспертлар учун иштирокида терговчи ва судьялар учун **«Жиноятдан жабрланган аёллар ва болалар билан ишлашнинг ўзига хос процессуал жиҳатлари»** номли махсус ўқув дастурини жорий этиш назарда тутилган. Ушбу дастур орқали мутахассисларнинг билим ва кўникмалари оширилиб, халқаро ва илгор тажрибаларни миллий тизим амалиётига татбиқ этиш, профилактика ва ҳимоя механизmlарини янада самарали йўлга қўйишга эришилади.

Буларнинг бари, шубҳасиз, қонун устуворлиги ва жазо муқаррарлигини таъминлашда муҳим омили ҳисобланади. Зеро, ҳуқуқбузарлик ҳолатларига берилган ҳар қандай зарба, қонуний баҳо ва белгиланган жазо чораси жамиятда ҳуқуқий тартибни мустаҳкамлаш гарови эканлигини доимо назарда тутиш зарур.

Хулоса қилиб айтганда, Президентимизнинг ушбу Фармони аёллар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бора-сидаги давлат сиёсатини янги босқичга олиб чиқади. Унда белгиланган чора-тадбирлар нафақат ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш, балки жамиятда адолат, инсонпарварлик ва қонун устуворлиги тамойилларини мустаҳкамлашнинг ишончли манбаини яратди. Энг муҳими, аёллар ва болалар ҳуқуқлари, манфаатлари ишончли тарзда ҳимоя қилинадиган янада барқарор, хавфсиз ва фаровон жамиятнинг том маънода мустаҳкам пойдевори бунёд этилади.

Шухрат КАМОЛОВ,

Хоразм вилояти  
суды раиси

● Таассуф

## Судга нисбатан

Судга ҳурматсизлик гувоҳ, даъвогар, жавобгар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг судга келишдан қасддан бўйин товлашида ёки ушбу шахслар ҳамда бошқа фуқароларнинг раислик қилувчининг фармойишига бўйсунмаслигида ёхуд суд мажлиси вақтида тартибни бузишида намоён бўлади. Судга ҳурматсизлик кўрсатилганлиги факти аниқланганлиги тўғрисида ушбу ҳуқуқбузарлик содир этилган суд мажлисининг ўзида, алоҳида маслаҳатхонага кирмасдан, судья ё суд таркиби томонидан ҳуқуқбузарга дарҳол эълон қилинади.

Шу ўринда иккинчи мисолга эътибор қаратсак, Кадастр агентлиги Наманган вилояти бошқармаси фуқаролар А.Аҳмаджонов, Ҳ.Мамажонов, Ш.Хонхўжаев, А.Убайдуллаев, Н.Эргашовга нисбатан ноқонуний қурилгани ўз ҳисобидан бузиш ва ўзбошимчилик билан эгалланган ер майдонини дастлабки ҳолатига қайтариш мажбуриятини юклашни сўраб, судга даъво аризаси киритган.

Шу боис суд томонидан қонун талабига кўра, фуқаролик иши қўзғатиш ва суд мажлисини тайинлаш, тарафларни суд мажлисининг жойи ва вақти тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилиш юзасидан ажрим чиқарилган. Кадастр агентлиги Наманган вилояти бошқармаси бошлиғи томонидан имзоланган тегишли ишончномага биноан, ушбу суд мажлисида Кадастр агентлиги Тўрақўрғон тумани бўлими ходимлари Ж.Маҳмудов ҳамда Н.Бойқўзиев иштирок этиши белгиланган.

Лекин икки ходим ҳам тақрор-тақрор суд мажлисига келмаган, фақатгина учинчи марта суд мажлисига 2 соатча кеч қолиб келган.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2026 йил 1 апрель

## БУХОРО ВИЛОЯТИДА ИСЛОҲОТЛАР НАТИЖАДОРЛИГИ ҲАМДА КЕЛГУСИДАГИ УСТУВОР ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

### ◀ (Бошланиши 1-бетда)

Қишлоқ хўжалигида замонавий ердан фойдаланиш технологиялари ва ирригация тизимларини жорий этиш ҳисобига 100 минг гектар ерни ўзлаштириш ва фойдаланишга киритиш мумкинлиги қайд этилди. Бу вилоят иқтисодиёти ва экспорт салоҳиятини сезиларли оширишга хизмат қилади.

Йиғилишда вилоятдаги 3 миллион гектар яйлов ерларидан самарали фойдаланиш, чорвачиликни ривожлантириш, озқабоб экинлар майдонини кенгайтириш бўйича янги ёндашувлар ҳам муҳокама қилинди. Жорий йилда 59,2 минг гектар майдонга тўлиқ озқабоб экинлар экиш режалаштирилган. Шунингдек, умумий қиймати 454 миллиард сўм бўлган 82 та чорвачилик лойиҳасини амалга ошириш, бу мақсадда четдан 20 минг бош насли қорамол, 30 минг бош қўй ва 200 бош от олиб келиш кўзда тутилган.

Пахтачилик, ғаллачилик ва сув тежаш йўналишларида ҳам аниқ вазифалар белгиланди. Хусусан, 2026 йилда пахта ҳосилдорлигини 52 центнерга, ғалла ҳосилдорлигини 100 центнерга етказиш, 96,8 минг гектарда сув таъминоти ва мелиоратив ҳолатни яхшилаш, 453,5 миллион куб метр сувни иқтисод қилиш, 742 та қишлоқ хўжалиги техникасини олиб келиш режалаштирилган.

Чорвачиликда ҳар бир туманда 50 бош насли қорамолга мўлжалланган замонавий мини-фермалар ташкил этиш таклифи кўриб чиқилди. Ушбу дастур доирасида 110 та лойиҳа амалга оширилиб, 5,5 минг бош насли қорамол олиб келинади, 3 минг 750 та янги иш ўрни яратилади ва 51,5 минг тонна қўшимча сут ишлаб чиқариш қуввати шакллантирилади.

Хизматлар ва аҳоли бандлигини таъминлаш йўналишида маҳаллалар ихтисослашуви асосида 49 та лойиҳа амалга оширилиши, 33 та савдо ва сервис кўчаси, 2 та соҳил бўйи ҳудуди, 4 та туризм маҳалласи ва 10 та йўл бўйи лойиҳаси ташкил этилиши белгиланди. Бунинг учун жами 12,5 триллион сўм молиявий ресурс, жумладан, 7,5 триллион сўм кичик ва ўрта бизнесга йўналтирилади.

Туризм соҳаси ҳозирда асосан Бухоро шаҳри ҳисобига тўғри келаётгани, вилоятнинг бошқа туманларидаги имкониятлар эса ҳали тўлиқ ишга солинмагани қайд этилди. Жондор, Ғиждувон, Бухоро, Қорақўл ва Вобкент туманларида соҳил бўйи ва йўл бўйи драйвер лойиҳаларини амалга ошириш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли учун замонавий дам олиш муҳитини шакллантириш бўйича катта имкониятлар борлиги кўрсатиб ўтилди.

Шу муносабат билан 2026 йилда 3,5 миллион хорижий ва 5,5 миллион маҳаллий сайёҳни жалб қилиш, умумий туристлар сонини 9 миллионга етказиш вазифаси қўйилди. Бунинг учун 2026 йилда 73 та янги жойлаштириш воситаси, 15 та янги туроператор ва турагент ишга туширилади.

Бухоро шаҳрида барпо этилаётган янги туризм марказида 5 та халқаро брендли меҳмонхона ташкил этиш, Шофиркон туманида “Хўжа Ориф”, Бухоро туманида “Чор Бақр” ва “Ёржон” туризм қишлоқларини ривожлантириш, Бухоро шаҳрида “Мохи Хоса” туризм маҳалласини шакллантириш назарда тутилган. Бухоро тарихий марказида ЮНЕСКО талабларига мос алоҳида маъмурий бошқарув тизимини жорий қилиш муҳимлиги таъкидланди.

Шунингдек, Когон шаҳрида 6 та тарихий объект негизда туризм шаҳарчасини ташкил этиш таклифи кўриб чиқилди.

Кадрлар тайёрлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Австриянинг Кремс университети билан қўшма факультет очиб, Бухоро туризм ва маданий мерос техникумини мазкур

олийгоҳ бошқарувида бериш режалаштирилган. Бунда тўлиқ дуал таълим асосида мутахассислар тайёрлаш ва бошқарув кадрларини қайта тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш зарурлиги таъкидланди. Ушбу университет Бухоро шаҳрида ташкил этилаётган туну-кун кўчаларни бошқариш бўйича янги моделни ишлаб чиқишга ҳам кўмаклашади.

Йиғилишда аҳоли сонининг ўсишига мос равишда уй-жой ва инфратузилмани ривожлантириш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Хусусан, Бухоро туманидаги Работак маҳалласи ҳудудида 63 гектар майдонда 10 мингдан ортиқ хонадонли замонавий уй-жой комплекси қуриш, Бухоро шаҳрида янги маъмурий марказ ташкил қилиш, “Янги Ўзбекистон” массиви ҳамда “Янги Ўзбекистон” боғини барпо этиш, Бухоро давлат университетининг янги кампусини қуриш каби йирик қурилиш ва урбанизация лойиҳалари муҳокама қилинди.

Йўл ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини яхшилаш бўйича ҳам қатор вазифалар белгиланди. Вилоятда узунлиги 33,1 километр бўлган 7 та айланма йўл барпо этиш, “Ғузур – Бухоро – Нукус – Бейнеу” йўлининг 78 километр ва “Самарқанд – Бухоро – Туркманбоши” йўлининг 71 кило-

метр қисмини реконструкция қилиш, А-380 йўли бўйида 30,8 гектар ер майдонини аукционга чиқариб, 403 та сервис лойиҳасини жойлаштириш режалаштирилган.

Оғир тоифадаги 3 та туман ва 36 та маҳаллада, шунингдек, “Янги Ўзбекистон қиёфасидаги” 2 та туман ва 35 та маҳаллада янги ёндашувлар асосида йўл, электр, сув ҳамда суғориш тармоқларини яхшилаш ишлари амалга оширилиши, бу мақсадларга жами 593 миллиард сўм маблағ йўналтирилиши маълум қилинди.

Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш учун 2026 йилда жами 4 триллион 484 миллиард сўм маблағ йўналтирилиши, бунинг ҳисобига мактаб, боғча, тиббиёт муассасалари ҳамда коммунал ва транспорт инфратузилмаси бўйича юзлаб лойиҳалар амалга оширилиши қайд этилди.

Президентимиз Бухоро вилоятининг мавжуд имкониятларини тўлиқ ишга солиш, ҳар бир ташаббусни аниқ лойиҳага айлантириш, инвестиция, ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, туризм ва инфратузилма соҳаларида натижадорликни таъминлаш бўйича мутасаддиларга тегишли топшириқлар берди.

ЎЗА

## Тадбиркор – қонун ҳимоясида

### Тадбиркор йўлига қўйилган тўсиқ

қонун асосида

бартараф қилинди



### ◀ (Бошланиши 1-бетда)

Кошкийди, солиқ идораси ва ўзига берилган ваколатлар доирасида амалга оширган Атиги бир кунлик тафтиш-текшириш ва тегишли мазмундаги далолатномани расмийлаштириш асосида бир талай ҳуқуқбузарликларга йўл қўйди.

Аниқроқ айтганда, бу солиқ текшируви гарчи юқори турувчи маҳкаманинг қарори мавжуд бўлса-да, ваколатли органи хабардор қилмаган ҳолда амалга оширилди. Тафтиш тадбири қондага кўра, видеотасвир орқали ёки ҳолислар иштироки таъминланган ҳолда ўтказиш зарур бўлса-да, бу тартибга ҳам риоя этилмади.

Текшириш якунлари бўйича тузилган далолатноманинг бир нусхаси тафтиш этилган тарафга тақдим қилинмагани

этиди. Гап масаланинг ҳуқуқий жиҳати хусусида кетар экан, қонуннинг бу борадаги йўриғини албатта, назарда тутиш даркор. Бинобарин, унда солиқ текширувчисининг ҳуқуқи, ваколати ва мажбуриятлари ҳам ўз ифодасини топган. Чунинчи, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуннинг 39-моддаси 5-қисмига кўра, ягона электрон тизимда рўйхатга олинмаган ҳолда ўтказилган текширувлар қонунга хилофдир.

Солиқ кодексининг 153-моддасида эса, тегишли назоратни амалга оширишга доир ҳаракатларнинг ҳолисалиги видеотасвирга олиш қурилмаларидан фойдаланиш йўли билан текширилиши, бундай имконият мавжуд бўлмаган ҳолларда, ҳолисларнинг гувоҳлиги таъминланиши белгиланган. Бу маж-



ЎЗА

ҳам чакки иш бўлди. Буни камлик қилгандек, мазкур ҳужжатни расмийлаштириш мuddати кечиктирилди, масъулият чекланган жамият раҳбари номига маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида 2025 йил 24 мартда битилган баённома ва чиқарилган қарор эса, ўз мuddатидан ўн ой кечиктирилган ҳолда, яъни 2026 йилнинг 23 январь кунга ахборот тизимига жойлаштирилди.

Хайриятки, бу йўсиндаги бошбошдоқликлар тафтишчининг ўзини тафтиш этиш ва тадбиркорнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан амалга оширилган ҳуқуқий тадбирлар асосида тўлиқ барҳам топди. Тафтишчининг қилмиши суд муҳокамасига қўйилди.

Суд жараёнига маъмурий ҳуқуқбузар сифатида жалб қилинган Р.Раҳмонов Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 241<sup>2</sup>-моддаси бўйича қўйилган айбга қисман икror эканини билдирди. Бу борадаги ҳуқуқбузарлик ҳолатлари, ҳақиқатан ҳам, унинг иштирокида рўй берганини тан олди. Бироқ ушбу ҳолатлардан келиб чиқадиган мажбуриятлар ўзининг вазифаси доирасидан ташқарида эканини иддао қилди.

Судда кўрсатма берган тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил Д.Хўжаев жавобгарнинг бу дастга жамомила ноўрин экани, айна шу мажбурият амалдаги хизмат йўриқномасига кўра, унинг зиммасига юқлатилгани, тафтишни шу юзадан чиқарилган буйруқ ахборот тизимида рўйхатга олинганини шахсан аниқлаганидан сўнг ўтказиши зарур бўлгани, аммо бу тартибга риоя қилганини баён

бурият текширувчи шахснинг зиммасига юқлатилган. Солиқ идораси масъули ходими Р.Раҳмоновнинг жавобгарлигига оид масала ана шу норма ва тегишли тартиб-таомиллар асосида атрофлича кўриб чиқилди. Унинг айби ўз тасдиғини топди. Жавобгар шахсга базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баравари, яъни 4 миллион 120 минг сўм миқдоридан жарима жазоси тайинланди.

Солиқ текшируви гарчи юқори турувчи маҳкаманинг қарори мавжуд бўлса-да, ваколатли органи хабардор қилмаган ҳолда амалга оширилди. Тафтиш тадбири қондага кўра, видеотасвир орқали ёки ҳолислар иштироки таъминланган ҳолда ўтказиш зарур бўлса-да, бу тартибга риоя этилмади.

Кейинги йилларда ахборот технологиялари ҳаётимизда чуқур ўрин эгалламоқда. Айниқса, “Face ID”, яъни шахснинг юзини таниш орқали шахсини аниқлаш тизими кўп қўрилмаларда қўлланила бошлади. Албатта, бу тизим фойдаланувчиларга бир қатор қўлайлик яратиб, парол ва кодлардан воз кечиш имконини берди.

Бироқ ҳар қандай қўлайлик ортида маълум хавф ҳам яширинган. Буни айнан “Face ID” қўрилмасидан фарз ниятда фойдаланиб, фирибгарлик жиноятлари содир этилаётгани мисоли-

### Жиноят ва жазо

## Ўшонч ортидаги

ёхуд «Face ID» орқали содир этилган ўғирлик

да кўриш мумкин.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, фирибгар кимсалар бу қўрилмадан фарз ниятда фойдаланишида одамларнинг соддалиги, ишонувчанлиги ва технология ҳақидаги етарли билимга эга эмаслиги кўл келмоқда. “Face ID” бу — оддий қўрилма эмас, балки шахсий биометрик калит ҳисобланади. Шу маънода, уни бошқаларга бериш — шахсий ҳужжатингизни ўз

қўлингиз билан топшириш билан баробар.

Маълумотларга кўра, бугунги кунда дунё миқёсида ниятда фойдаланишида билан боғлиқ кибержиноятлар сони қарийб 40 фоизга ошган. Айниқса, юзани таниш тизимларидан фойдаланиш орқали амалга оширилаётган фирибгарликлар тез суръатларда кўпайиб бормоқда.

(Давоми 4-бетда) ▶



ЖИНОЯТ

## ҳурматсизлик

маъмурий жавобгарликка сабаб бўлди



Бу, ўз навбатида, даъвогарларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлган.

Айтиш кераки, Фуқаролик процессуал кодексининг 150-моддасига кўра, суд мажлисида тартибни бузган ёки судга бошқача тарзда ҳурматсизлик билдирган шахс суд томонидан маъмурий жавобгарликка тортилади.

Янада аниқроқ айтганда, судга ҳурматсизлик гувоҳ, даъвогар, жавобгар

ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг судга келишдан қасддан бўйин товлашида ёки ушбу шахслар ҳамда бошқа фуқароларнинг раислик қилувчининг фармойишига бўйсунмаслигида ёхуд суд мажлиси вақтида тартибни бузишида намоён бўлади. Судга ҳурматсизлик кўрсатилганлиги факти аниқланганлиги тўғрисида ушбу ҳуқуқбузарлик содир этилган

суд мажлисининг ўзида, алоҳида маслаҳатхонага кирмасдан, судья ё суд таркиби томонидан ҳуқуқбузарга дарҳол эълон қилинади. Мазкур факт суд мажлиси баённомасида қайд этилади. Бунда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузилмайди.

Судга ҳурматсизлик кўрсатилганлиги факти аниқланган шахс, шунингдек, ишда иштирок этувчи бошқа шахслар ўз тушунтиришларини беришга ҳақли бўлади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 245<sup>4</sup>-моддасига асосан, фуқаролик ишлари бўйича судлар фуқаролик ишларининг муҳокамаси чоғида маъмурий ҳуқуқбузарликларни аниқлаган ҳолларда ушбу кодекснинг 180 ва 181-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади. Кодекснинг 180-моддасига асосан, гувоҳ, жабрланувчи, даъвогар, жавобгар, ишда қатнашувчи бошқа шахсларнинг судга келишдан қасддан бўйин товлашида ёки мазкур шахсларнинг ва бошқа фуқароларнинг раислик қилувчи фармойишига бўйсунмаслигида ёхуд суд мажлиси пайтида тартибни бузишда ўз ифодасини топган судга ҳурматсизлик — базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб

бўлади.

Юқорида қайд этилган ҳуқуқий асосларга кўра, суд Давлат кадастрлар палатасининг Чуст тумани филиали бошлиғи Жавоҳир Абдулхамидов, филиал мутахассиси Аббос Тошматов ва Кадастр агентлиги Тўрақўрғон туман бўлими ходими Жобирхон Маҳмудовга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч баравари миқдоридан ҳамда Нодиржон Бойқўзиёвга базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдоридан маъмурий жарима қўллаш хусусида қарор қабул қилди.

Бинобарин, суд мажлисининг тайинланиши, вақти ва жойи бўйича чиқарилган суд ажрими бажарилгани мажбурийдир. Негаки, янги тахрирдаги Конституциямизнинг 138-моддасида “Суд ҳокимиятининг ҳужжатлари барча давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар ҳамда фуқаролар учун мажбурийдир”, дея қайд этилган. Шундай экан, суд мажлисига келмай ёки унга бошқача тарзда ҳурматсизлик қилиш кечирилмас ҳолатдир. Буни ҳеч ким ҳеч қачон унутмаслиги керак.

Отамурод СИДДИҚОВ,  
фуқаролик ишлари бўйича  
Чуст туманлараро  
суди судьяси

## ◀ (Бошланиши 1-бетда)

— Дада! Узингиз ҳали ўша одамларни кўрасиз. Туриб кетасиз яқинда! — дедим юпатишга интилиб. Ўшанда уларнинг қазо қилишларини тасаввур ҳам қилолмаган, шундай кун яқинлигига ишонмаган, ишонгим келмаган эди.

Дадам гапимни эшитиб, оҳиста кўлимни қисиб қўйдилар, қўллари ҳар доимгидек юмшоқ, иссиқ эди.

— Биттаси Юнусбек тунукачи. Ойинг уйини билади. Ракатда. Иккинчиси Тўлаганбек оппоқ даданг. Бу одамга берадиганимиз кўп эмас. Лекин барибир қарз бўйинида кетмасин.

— Хўп бўлади, дада. Хавотир олма. Ҳамма қарзларингизни узаман.

— Раҳмат, ўғлим. Боринг энди. Ўз ишларингизни қилинг. Мен бирпас ухлайман.

Дадамларнинг шу гаплари, овозлари ҳозир ҳам қулоғим остида, дилимда.

Уша кун хотиржам ётганларини кўриб, оёқ учидан секин чиқдим. Ҳамма менга қаради.

— Ухлаптиларми? — сўрадилар ойим.

— Уйғоқлар. Лекин тинч ётибдилар, — дедим мен.

Ярим соатлардан сўнг Музроб хабар олгани кирди ва бирдан кўзлари олайиб қўриқиб чиқди:

— Муздайлар! Жавоб бермаптилар!

Ҳаммаимиз ўрнимиздан туриб, катта хонага отилиб кирдик.

Дадам ухламоқчи бўлиб ётганларича оламдан ўтган эдилар... Эртасига жума кун Минорга, ўзимизнинг хилхонага қўйиб келдик.

Опанг иккаламиз дадамнинг вафотларидан кейин кўп вақт ўтмай қарзларини топширдик. Тўлаганбек амаким олмадилар. Аммо бизни фарзандлик бурчимизни адо этаётганимиздан хурсанд бўлиб дуо қилдилар, омад, бахт тиладилар.

Дадамларни кўпчилик «Мулла Раҳимбек», «Раҳимбек оқсоқол», «Раҳимбек полвон», деб атади. Шу мурожаатларнинг ҳаммасида у кишига



нисбатан чуқур ҳурмат, эътибор борлиги кўриниб турибди.

Кўча-кўйда кетаётганимизда ҳамма, катта-кичик у киши билан сўрашарди, биринчи бўлиб салом беради. Бунинг, албатта, сабаблари кўп. Дадам очик кўнгул, бағри кенг, саҳий, халқимиз урф-одатларининг ҳаммасини чуқур ҳурмат қиладиган одам эди.

Уруш йиллари, айниқса, дадамнинг қандай одам эканлиқларини мен — анчагина эси кириб қолган бола, тушундим. Ҳозир ҳам у кишининг ўша лўтларни қилган ишларига, одамларга кўрсатган яхшиликларига қойил қоламан, таҳсин ўқийман. Мени у кишининг ўғли эканини билиб қолган кексалар дарҳол кўллари фотиҳага ёзадилар, у кишини мақтайдилар. Худодан жойлари жаннатда бўлишини тилайдилар.

Холамга, ойимнинг опасига қўйилиб қолишганини кўриб, сигирларимизнинг биттасини бериб юборганлари эсимда қолган. Ўзим ҳайдаб олиб бориб берганман. Холамнинг эрлари Лутфулла қори ака ажойиб одам эди. Ноча қотма. Яхши овози бор эди, Қуръон сураларини жуда қироат билан ўқирди. Аммо раҳматли ўзига яраша биронта иш тополмай оламдан ўтиб кетди. Афтидан, у кишининг меҳнат дафтарчаси ҳам бўлмаган бўл-

са керак. Урушга касаллиги туфайли олишмади. У кўп вақтини қариндошуруғлариникида, уларнинг уй хизматларига ёрдам бериб ўтказарди. Ҳақимбек амакимга ўхшаб сиёсий аҳволдан, мамлакатга, халқлар тарихи, урф-одатларидан гапиришни яхши кўрарди. Шунинг учунми, ё биз, болаларни яхши кўрганиданми, ё дадамга ҳурмати баландлигиданми, бизникида кўп бўларди. Экинга қарарди, хомтоқ қиларди. Кейин ярим кечагача амаким билан гаплашиб чиқарди. Аммо қорамол билан шуғулланишни ёмон кўрарди. Ким билади, балки шунданми, олиб бориб берган сигиримизни бир йил ўтмай қайтариб олиб келиб берди. Афтидан, ем-хашак олиб келиш Қори почкамнинг жонига теғди, шекилли.

Қариндош-уруғ, маҳалладаги биронта маърака дадамнинг иштирокисиз, ёрдамларисиз ўтмасди. Шунинг учун уйимиз хар кун кечкурун гавжум бўларди. Кимгадир улар пул берадилар, кимгадир бир қоп-ярим қоп гуруч ё сабзавот олиб бориб беришни ваъда қилардилар. У кишининг икки гилдиракли «дувуқолка» дейиладиган икки кишилик извошлари бор эди. Ишга хар кун шу извошда бориб келардилар. Кўпинча отни извошга мен қўшардим. Дадам текшириб, уёқ-бўёғини қат-

тиқроқ тортиб кўярдилар. Отлар ичида эсимда қолгани — тўқ қизил рангдаги тўриқ от. У жуда чопқир ва йўрга эди. Менга ҳам яхши қулоқ соларди. Унинг эсимда қолгани шуки, бир йили Қўйлиқда бўлган улоқда дадамнинг ўртоқларидан бири шу отни сўраб келгани бўлди. Улоқни олди. Аммо ташлаётганда от нимадандир ҳуркиб, уни йиқитиб қочди. Бир ҳафтадан сўнг Самарқанд дарвоза томондаги экинзор ичидан топиб келдик.

Биз уруш бошлангани ўша тарихий 1941 йилнинг 22 июни, яқшанба кун кундузи эштиб қолдик. Аммо кўпчилик бу мудҳиш хабарга унча эътибор бергани йўқ. «Бир-икки ҳафталик гап бу немиснинг чираниши». «Совет билан, Қизил Армия билан ўйнашиб бўлмайди!». Бу фақат Ҳақимбек амакимнинг эмас, ҳамманганин шу жумладан, девор кўшнимиз Ғофуржон ака, Ғофурроқсоқолнинг (у киши Тезеков бозорининг директори эди), дадамларнинг ҳам фикрлари эди.

Уша кун эрталаб Саригочдан бир қозоқ танишимиз иккита сигир олиб келди. Биттасини Ғофуржон акаларга, биттаси бизга экан. Сигирлар бир хил, кўкиш рангда, пешоналарида кичкина оқ қашқалари бор, бўйи-баста ҳам тенг эди.

— Нима қиламиз? Қайси бири сизга, қайси бири бизга? — сўради дадамдан Ғофур оқсоқол.

— Сиз олинг аввал, кейингиси менга, — дедилар дадам.

Ғофуржон ака кулади, рози бўлмади.

— Иккаловининг сағринига папирос кўямиз. Қайси бири олдин қимирлаб тушириб юборса, ўша сигир биттаминики. Нима дейсиз?

— Бўпти, — дедилар дадам.

Биз болалар диққат билан улар қилаётган ишларини кўзатиб турардик. Ғофуржон аканинг беш ўғли бор эди. Иккитаси менинг тенгқурим, ўртоқларим Усмон билан Эрмон ёш ўлиб кетишди.

(Давоми келгуси сонда)

## Мулоқот

## Савол беринг, жавоб берамиз

— Никоҳ шартномаси орқали эр-хотин умумий мулк тартибини ўзгартириши мумкинми?

Б. БОБОЁРОВА,  
Жиззах вилояти

— Сизнинг саволингизга жавобан шуни айтиш керакки, амалдаги Оила кодексининг 31-моддасига асосан, эр ва хотин никоҳ шартномасига кўра, биргаликдаги умумий мулкнинг қонунда белгиланган (ушбу кодекснинг 23-моддаси) тартибини ўзгартиришга, эр ва хотиннинг барча мол-мулкига, унинг айрим турларига ёхуд эр ва хотиндан ҳар бирининг мол-мулкига нисбатан биргаликдаги, улушли ёки алоҳида эгаллик қилиш тартибини ўрнатишга ҳақлидир. Никоҳ шартномаси эр ва хотиннинг мавжуд мол-мулкига нисбатан ҳам, бўлгуси мол-мулкига нисбатан ҳам тузилиши мумкин.

Эр ва хотин никоҳ шартномасида ўзaro моддий таъминот бериш, оила харажатларини кўтариш, бир-бирининг даромадида иштирок этиш, бошқа шахслар билан мулк шартномалар тузиш, биргаликда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб олишга, никоҳдан ажралганда эр ва хотиндан ҳар бири-

га бериладиган мулкни аниқлаб олишга, шунингдек, никоҳ шартномасига эр ва хотиннинг мулкий муносабатларига оид бошқа қоидалар киритишга ҳақли.

Никоҳ шартномасида назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар муайян муддат билан чекланиши ёки муайян шарт-шароитнинг юзага келиши ёхуд келмаслигига боғлиқ қилиб қўйилиши мумкин.

Никоҳ шартномаси эр-хотиннинг ҳуқуқ лаёқати ёки муомала лаёқатини, уларнинг ўз ҳуқуқларини химоя қилиш учун судга мурожаат қилиш ҳуқуқларини чеклашни, эр-хотин ўртасидаги шахсий номулк муносабатларини, эр-хотиннинг бо-

лаларга нисбатан бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солишни, меҳнатга лаёқатсиз таъминот олишга муҳтож эр ёки хотиннинг ҳуқуқини чекловчи қоидаларни, эр ва хотиндан бирини ўта ноқулай ҳолатга солиб икки хотиннинг ҳуқуқини чекловчи қоидаларни, эр ва хотиндан бирини ўта ноқулай ҳолатга солиб икки хотиннинг ҳуқуқини чекловчи қоидаларни, эр ва хотиндан бирини ўта ноқулай ҳолатга солиб икки хотиннинг ҳуқуқини чекловчи қоидаларни назарда тутмайди.

— Айтинг-чи, йиллик меҳнат таътилининг бир қисмини кейинги иш йилига кўчириши мумкинми?

Н. ЖАҲОНГИРОВ,  
Бўстонлиқ тумани

— Ҳа, меҳнат таътилининг бир қисмини кейинги йилга кўчириш мумкин. Бунинг учун фақат ишлаб чиқариш хусусиятига эга сабаблар бўлганда ва ҳодимнинг розилиги билан таътилнинг 14 календарь кундан ортиқ бўлган қисми кейинги иш йилига кўчирилиши мумкин. Аниқроқ айтганда, Меҳнат кодексининг 230-моддасига кўра, ҳар йилги меҳнат таътили ушбу таътил берилаётган

иш йили тугагунига қадар берилиши керак. Ишлаб чиқариш хусусиятига эга сабабларга кўра, жорий йилда ҳар йилги меҳнат таътилини тўлиқ бериш имкони бўлмаган алоҳида ҳолларда ҳодимнинг розилиги билан таътилнинг ўн тўрт календарь кундан ортиқ бўлган қисми кейинги иш йилига кўчирилиши мумкин бўлиб, ушбу йил давомида ундан фойдаланилиши шарт.

— Илтимос, тунги вақтда ишлайдиган ходимнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ҳақида маълумот берсангиз?

Қ. СУЛТОНОВ,  
Хоразм вилояти

— Сизнинг бу саволингизга жавобан шуни айтиш мумкинки, Меҳнат кодексининг 264-моддасига мувофиқ, қуйидаги ҳолларда тунги вақтдаги меҳнат учун ҳақ тўлаш камда бир ярим баравар миқдорда амалга оширилади:

— меҳнатга ҳақ тўлашнинг вақтбай тизимида — тунги вақтдаги ишнинг ҳар бир соати учун 1,5 ёки ундан ортиқ коэффицентни кўллаган ҳолда;

— меҳнатга ҳақ тўлашнинг ишбай тизимида — тегишли разрядга (малакага) эга бўлган вақтбай ишловчининг соатлик тариф ставкасининг (маошининг) эллик фоизи ёки ундан ортиқ миқдорда ишбай иш ҳақи ва қўшимча тўлов тўлиқ тўланади.

Саволларга фуқаролик ишлари бўйича Янгикўрғон туманлараро судининг судьяси Б. АЛИМЖАНОВ жавоб берди.

## Жиноят ва жазо

## ◀ (Бошланиши 3-бетда)

Халқаро киберхавфсизлик таҳлилчилари таҳлилларига қараганда, 2024-2025 йилларда онлайн фирибгарлик ҳолатларининг 60 фоиздан ортиги биометрик ёки шахсий маълумотларни қўлга киритиш билан боғлиқ. Фойдаланувчиларнинг 70 фоизга яқини номаълум ҳаволалар орқали шахсий маълумотларини ўзлари ошкор қилган. Ёки «Deepfake» технологиялари билан боғлиқ фирибгарликлар сони сўнгги бир йилда уч бараварга кўпайган. Онлайн кредит олишда фирибгарлик ҳолатларининг катта қисми «Face ID» тасдиғи орқали амалга оширилган.

Яқинда судда кўриб чиқилган бир жиноят иши бугунги кунда ахборот хавфсизлиги ва шахсий маълумотларни химоя қилиш масаласи нечоғли долзарб эканлигини яна бир марта кўрсатди.

Имрон (исм-шарифлар ўзгартирилди) Гулнисо билан 2024 йилнинг ноябрь ойида қўчада тасодифан танишиб қолади. Аммо бу оддийгина танишув кейинчалик анчайин жиддийлашади, бора-бора ўрталарида илқ муносабат пайдо бўлади.

Бўёғини сўрасангиз, Гулнисонинг ота-онаси ва акалари хорихда ишлаб, унинг номига пул жўнатиб туришарди. Гулнисо банк муассасасига пулларни омонатга қўйиб, ўзининг телефон аппаратига ўрнатилган «Зоомрад» иловаси орқали уни назорат қилиб борарди. Аниқ ёдида, 2025 йилнинг 19 ноябрь кунни банкдаги омонатга 2 минг 200 АҚШ доллари қўйгач, ма-

благнинг жами миқдори 317 миллион сўмга етганди.

Орадан ўн кун ўтиб, телефони орқали омонатдаги пулларни текшириб кўрса, 100 миллион сўм йўқ. Аввал 20 миллион сўм, кейинроқ бўлиб-бўлиб яна 80 миллион, жами 100 миллион сўмни кимдир ечиб олганди.

Гулнисо кутилмаганда бундай катта миқдордаги пулидан айрилиб қолганидан қаттиқ ташвишга тушади. Ҳақиқий ҳолат ойдинлашганида эса, буткул ўзини йўқотиб қўяди...

Юқорида Имрон билан Гулнисо ўртасида илқ муносабат юзага келганини айтгандик. Кунлардан бир кун улар Тошкент шаҳрига бориб, айланиб келишни режалаштиришади. Имрон билан ўртоғи Шоҳрух, Гулнисо билан дугонаси Жасминалар беш кун давомида пойтахтда сайр қилишади. Имрон ўзига қимматбаҳо кийим-кечак, янги русумдаги телефон аппарати сотиб олади. Гулнисога ҳам янги телефон аппаратидан ташқари кийим-кечаклар сотиб олиб, совға қилади.

Воқеа баёнидан ўқувчида бирон-бир жойда ишламайдиган ёш йигит бунча сарф-харажатлар учун маблағни қаердан олди, деган савол туғилиши тайин.

Ҳақиқатан ҳам, судланувчи Имрон Боқиев Гулнисо Имомова билан яқин муносабатларидан фойдаланиб, унинг мобил телефонига ноқонуний равишда кириш имкониятини қўлга киритган. У «Face ID» тизими орқали ўзининг юзи тасвирини ку-



рилмага киритиб, телефондаги иловаларга тўсиқсиз кириш ҳуқуқига эга бўлган. Шу орқали у жабрланувчига тегишли «Зоомрад» банк иловасига кириб, бир неча кун давомида маблағларни ўзлаштирган. Натижада жами 100 миллион сўм маблағни талон-торож қилган.

Судда ушбу жиноий қилмишга ҳуқуқий баҳо берилди. И.Боқиев Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисми «б» банди билан айбдор деб топилди. Судланувчининг айбига иқроорлиги, қилмишидан пушаймонлиги, етказилган зарар унинг отаси томонидан тўлиқ қоплангани ва жабрланувчининг давъоси йўқлиги каби ҳолатлар инобатга олинди. Судланувчига нисбатан 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Юқорида тафсилоти баён

этилган жиноий қилмиш бугунги кунда яна бир бор ахборот хавфсизлиги масаласига жиддий эътибор қаратиш зарурлигини кўрсатади. Яширишга ҳожат йўқ, бугунги кунда кўпчилик фуқаролар мобил қурилмалардан фойдаланишда оддий хавфсизлик қоидаларига амал қилмайди. Хусусан, телефонни бошқаларга бериш, паролларни ошкор қилиш ёки биометрик химоя тизимларига бошқа шахсларни киритиш каби ҳолатлар юқорида баён этилган сингари жиноий қилмишлар рўй беришига сабаб бўлади.

Мутахассислар тавсиясига кўра, мобил қурилмалардан фойдаланишда бир қатор оддий қоидаларга амал қилиш орқали бундай ҳолатларнинг олдини олиш мумкин. Жумладан, биометрик химояга фақат ўзининг маълумотла-

рини киритиш, телефонни назоратсиз қолдирмаслик, банк ва тўлов иловаларида қўшимча химоя воситаларини ёқиш, шунингдек, молиявий операцияларни мунтазам текшириб бориш муҳим.

Хулоса қилиб айтганда, судда кўрилган ушбу жиноят иши барчамиз учун сабоқ бўлиши керак. Масаланинг яна бир муҳим томони, бугунги кунда хавф кўчада эмас, балки кўлимиздаги қурилмага бошқа шахсларни киритиш каби ҳолатлар юқорида баён этилган сингари жиноий қилмишлар рўй беришига сабаб бўлади.

Зарифа АҲМЕДОВА,  
жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар суди судьяси

## МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси  
Олий суди

Бош муҳаррир:  
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот  
агентлигида 0224-рақам билан  
рўйхатдан ўтган.



## ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Бахтиёр ИСЛАМОВ  
Алишер УСМАНОВ  
Олимжон ИСМАИЛОВ  
Шухрат ПОЛВАНОВ  
Холмўмин ЁДГОРОВ  
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ

Абдуҳалим ХОЛМАХМАТОВ  
Жамшид САДИНОВ  
Муродullo ҚОДИРОВ  
Замира ЭСАНОВА  
Азиз АБИДОВ  
Бобомурод РАЙИМОВ

## Саҳифаловчи:

Шерзод  
ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.  
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Манзиллари: 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, 6-уй, Тел.: 71 273-72-29 E-mail: kuch-adolatda@mail.ru  
Нашр индекси: яқна тартибда - 574, ташиқлотлар учун - 575.  
Буюртма: Г-415 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ.  
Сотувда эркин нархда. Адади: 5841  
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 21<sup>30</sup>. Топширилди: 23<sup>00</sup>.